2018 йил 3 май, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 83 (13.680)

Баҳоси эркин нархда

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 май куни Наманган вилоятига ташриф буюрди.**

Наманган вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юқори, бой тарих ва маданиятга эга ҳудудларидан биридир. Кейинги йилларда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тубдан янгиланиб, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чуст туманидаги "Барака мева саноат сервис" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, умуман, мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур масъулияти чекланган жамияти 2015 йилда фаолиятини ёнғоқ, майиз ва ковул экспортидан бошлаган. Жамият тасарруфидаги экин майдонларида ғалла, кунгабоқар, ловия, картошка, маккажўхори, иссиқхонада помидор парваришланмоқда. 17 сотихли участкада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тажрибадан ўтказилаётир. 32 кишининг бандлиги таъминланган. Мавсум пайтида ишчилар сони 800 нафардан ошади.

Лойиҳа доирасида 160 гектар майдонга серҳосил ёнғоқ кўчатлари ўтқазилмоқда. Унинг умумий қиймати 9,6 миллиард сўм бўлиб, йилига ўртача 4 минг 600 тонна ёнғоқ етиштирилади. Ёнғоқлар тўлиқ ҳосилга кирса, бир йилда 40,2 миллиард сўмлик маҳсулот олиш мумкин, унинг 70 фоизи экспорт қилинади.

Шу ернинг ўзида 2018-2019 йилларда балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, пиллачиликни йўлга қўйиш, томорқачиликни янада ривожлантириш, иссиқхонада лимон етиштириш, тутзорлар ташкил этиш, оғир ҳудудлардаги майдонларнинг сув таъминотини яхшилаш, пахтадан бўшаган ерларга турли экинлар экиш ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, вилоят экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ёнғоқзорларни кўпайтириш, балиқчилик бўйича мутахассислар тайёрлаш, картошка уруғчилигини ривожлантириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришда кичик саноат зоналарининг алоҳида ўрни бор.

Президентимизга Наманган шаҳридаги "Орзу" кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдим этилди.

Саноат зонасининг ҳудуди салкам ўн гектарни ташкил этади. Бу ерда енгил саноат, озиқ-овқат, тиббий техника, полиграфия, полиэтилен пакетлар ва плёнкалар, энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришга оид умумий қиймати 142 миллиард сўмдан зиёд 22 лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Лойиҳалар ҳаётга тўлиқ татбиқ этилгач, йилига 82,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 4 мингга яқин кишининг бандлиги таъминланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади.

Жорий йилнинг май ойи охиригача тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Порлоқ текстиль либослари", "Нуробод сифат текстиль", "Улуғ-Б", "Босир текстиль сервис" масъулияти чекланган жамиятлари фаолият бошлайди.

Саноат зонасининг замонавий коммуникация тармоқлари ва инфратузилма объектларига яқин ҳудудда ташкил этилгани корхоналарни келгусида энергия ва бошқа ресурслар билан узлуксиз таъминлаш имкониятини яратади. Лойиҳаларда замонавий, энергия тежамкор чет эл технологияларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш, хом ашё етказиб бериш ва маҳсулотини сотишга кўмаклашиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Хорижий технологияларни олиб келиш учун маблағ ажратиш, экспортни кенгайтириш учун корхоналарга халқаро мақом бериш зарурлигини таъкидлади.

Наманган шаҳрида енгил саноатни ривожлантириш, хусусан, "Юксалиш", "Орзу", "Пахталикўл", "Хонобод" саноат зоналарида амалга ошириладиган лойиҳалар, Катта Фарғона каналининг Учқўрғон тумани ҳудудидан ўтган қисмида кичик ГЭСлар каскади қурилиши, "Водий нефтгаз энергия" корхонасида ишлаб чиқарилган газ тармоғи хавфсизлигини таъминлайдиган инновацион қурилма тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз мазкур лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Норин туманидаги "Беш сада" фермер хўжалиги шийпонида Наманган вилояти фермерлари билан мулоқот қилди.

"Беш сада" фермер хўжалиги 2004 йили ташкил этилган. Долимжон Шарипов раҳбарлигидаги хўжалик ишчилари жорий йилда 27 гектарда ғалла, 21 гектардан зиёд майдонда ғўза парваришламоқда.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ҳар йил декабрь ойининг иккинчи якшанбаси мамлакатимизда Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни этиб белгиланган. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан 2017 йил 9 декабрь куни ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида пахта майдонларида ҳосилдорликни ошириш ва ердан самарали фойдаланиш мақсадида чигитни "қўшқатор" ва "олтмишлик" схемалар асосида экишни йўлга қўйиш ва самарасиз бўлган "тўқсонлик" схемадан босқичма-босқич воз кечиш зарурлигини таъкидлаган эди. Бугун вилоят фермер хўжаликлари мазкур кўрсатмалар асосида ғўза парваришини замонавий технологиялар асосида йўлга қўйган.

"Беш сада" фермер хўжалиги ҳам ғўзани "қўшқатор" схемаси асосида экишни жорий этди. Бунинг натижасида 1 гектар ерга қўшимча 35 минг дона чигит қадалиб, ҳосилдорликни 40 центнергача ошириш имкони пайдо бўлди. Ғалла ҳосилдорлиги 80 центнерга чиқарилиб, олинадиган соф фойда 35 миллион сўмга етиши кутилмоқда.

Президентимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида сўз юритар экан, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қилинадиган ишлар ҳали кўплигини таъкидлади.

– Барча саъй-ҳаракатларимиздан асосий мақсад халқимизни рози қилиш, эртанги кунга ишонтиришдир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Миришкорлар Президентимизга фермерлар учун яратилган шароит ва имкониятлар, давлат томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Учқўрғон туманидаги "Uztex Uchkurgan" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Ўтган йил ноябрь ойида Uztex гуруҳи таркибида замонавий типдаги тўқимачилик мажмуаси фаолият бошлаган эди. Натижада бу ерда 1 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Корхона йилига 12 минг тонна калаваип ва 3 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Давлатимиз раҳбари топшириғига биноан пахтани 100 фоиз қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхона энди тўлиқ кластер усулига ўтади.

Президентимизга корхона фаолиятини кенгайтириш ва кластер тизимида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдим этилди. Ҳозирги кунда корхонага ёндош ҳудудда пахтани юқори технологиялар асосида қайта ишлашга мўлжалланган ҳамда полиэфир аралашган пахта толаси, момиқ мато ва тайёр текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган қўшимча қувватлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда. Муҳими, яна кўплаб янги иш ўринлари яратилади. Технологик жараёнларга Европа давлатларидан келтириладиган ускуналар жалб этилади. Бу маҳаллий пахта хом ашёсини қайта ишлаш сифатини ва экспорт кўламини оширишга хизмат қилиши қайд этилди. Давлатимиз раҳбари корхона иш жараёнини кўздан кечирди, пахта тўқимачилик кластерини ташкил этиш борасидаги ишлар билан қизиқди.

Бу йил туманда 10 минг гектарга яқин ер майдони кластер усулида пахта етиштириш учун ажратилди. "Текстиль финанс Наманган" корхонаси томонидан хориждан экиш техникалари, культиваторлар, тракторлар, пахта териш ва уни қадоқлаш комбайни сотиб олинди.

Президентимиз корхона мутасаддиларига пахтага сунъий толани аралаштириб, маҳсулот ҳажми ва иш жойини, пировардида бюджетга солиқ тушумини кўпайтириш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Шунингдек, айланма маблағларни ошириш ҳисобига тумандаги кам таъминланган оилаларга тухум ва товуқни лизингга бериш кераклигини таъкидлади.

– Кам таъминланган оилаларга кўмак бериш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш "Uztex Uchkurgan" корхонасининг брендига айланиши лозим, –деди Шавкат Мирзиёев. – Шу орқали аҳолининг муҳтож қатламини ишлашга, яхши яшашга ўргатамиз, ҳаётга бўлган ишончини оширамиз.

Туманда кластер тизимида чигит экишдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи сифатли ташкил этиш, 2 та янги боғча қуриш, ичимлик суви ва канализация тармоқларини барпо этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шу куни Норин тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган йиғилишда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, тиббиёт соҳаларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

## ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси барча соҳалар каби нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

2018 йилда умумий миқдори 3 миллиард сўмлик 11 ижтимоий буюртма амалга оширилиши ва 100 га яқин нодавлат нотижорат ташкилоти, оммавий ахборот воситаси ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг грант лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2,75 миллиард сўмлик маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Иштирокчилар Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг 2017 йил якунларига бағишланган ҳисоботидан амалдаги экологик қонунчиликни такомиллаштириш, давлат дастурлари ижросини таъминлаш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлди.

**Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

***Ҳар йили мамлакатимизда замонавий, илғор технологиялар билан жиҳозланган янги ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилмоқда. Ушбу объектларда саноат, техника хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.***

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

"Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси саноат ва радиация хавфсизлиги, кон муносабатлари, республика ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларнинг саноат ва радиация хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя этишлари юзасидан давлат назоратини амалга оширади.

Инспекция хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги қонуни талаблари асосида умумий 200 дан ортиқ норматив ҳужжат базасига эга. Инспекция томонидан ҳозирги кунгача тасдиқланиб келинаётган норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатлар саноат хавфсизлиги ҳолатини мустаҳкамлаш, содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар ва авариялар сонини камайтириш учун хизмат қилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги техник қурилмаларни экспертизадан ўтказиш қоидаси, Хавфли ишлаб чиқариш объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, Хавфли ишлаб чиқариш объектларида ишлаб чиқариш назоратининг ташкил қилиниши тўғрисидаги низом шулар жумласидандир.

2017 йилда хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаган, ишчиларни хавфсиз иш шароитлари билан таъминламаган 9 та раҳбар лавозимидан озод этилган.

**Н.НАСРИЕВ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Каттақўрғон шаҳар ва туман, Пастдарғом туман кенгашлари ташаббуси билан бир гуруҳ ёшларнинг Самарқанд шаҳридаги ҳарбий қисмга саёҳати уюштирилди.**

**• Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида "Лимакс голд текстил" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги чет эл корхонаси иш бошлади.**

**• Андижон шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун "Ватан ҳимояси – муқаддас бурч" шиори остида очиқ эшиклар куни ўтказилди.**

**• Навоий вилояти ҳокимлигида бир гуруҳ нуроний ва меҳнат фахрийларига "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди.**

**• Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Жалабек қишлоғида йилига 33 миллион жуфт тиббиёт қўлқопи ишлаб чиқариш қувватига эга корхона иш бошлади. Умумий қиймати 17 миллиард сўмдан ортиқ мазкур лойиҳа доирасида барпо этилган корхона ҳудуди 1,5 гектардан иборат. Қурилиш-монтаж ишлари учун 7 миллиард сўм маблағ сарфланди.**

**• Тошкент вилояти Оққўрғон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида "Ёш архитекторларни ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Ўқувчилар томонидан миллий архитектура ишланмалари, бинолар макети, плакат ва видеолавҳалари намойиш этилди.**

**• Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида "Ўзбекистонда гўшт ва сут ишлаб чиқариш истиқболлари: эришилган ютуқ ва мавжуд муаммолар" мавзусида халқаро илмий-амалий ўқув-семинар ўтказилди. Ўқув-семинарда юртимизда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан хорижлик ва маҳаллий мутахассислар, фермерлар ўз таклиф ва тавсияларини билдирди.**

### ЖАҲОНДА

**• Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳридаги баланд қаватли уйнинг ёнғин оқибатида қулашидан кейин 45 киши бедарак йўқолди. Ёнғин қўшни бинога ҳам ўтган, бироқ ўт ўчирувчилар уни назоратга олишга муваффақ бўлишган.**

**• Польшанинг "Skyshelter.zip" компанияси ўзининг йиғилувчи осмонўпар бино лойиҳасини тақдим этди. Ушбу йиғиладиган бино табиий офатлардан жабр кўрганларга мўлжалланган.**

**• "Johnson & Johnson Vision" кўриш имконияти чекланганлар учун мўлжалланган линза яратди. Бу линза кўзни қуёш нуридан ҳам ҳимоя қилади.**

**• Австралиянинг Квинсленд штатида буқасимон акула шиширма панжарадан сакраб ўтиб, денгизнинг одамлар ҳордиқ чиқарадиган қисмига сузиб келди. Узунлиги 1,5 метр келадиган йиртқич балиқни пляждаги тўрт ёшли қизалоғи билан дам олишга келган аёл пайқаб қолган.**

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва вазирлик ҳузуридаги Ўқув маркази "Давлат хизматчисининг хизмат мажбуриятлари бажарилишининг самарадорлиги мезонлари, стандартлари ва унинг сифатини баҳолаш тизими: миллий ва хорижий тажриба" мавзусида республика илмий-амалий конференция ўтказди.***

Конференция 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, давлат ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида самарали ташкил этиш мақсадида ташкил этилди.

Молия вазирининг биринчи ўринбосари А.Ҳайдаров давлат хизматчиси аҳоли учун хизмат қилиши ва ўз фаолиятида баъзи нормаларга эътибор бериши кераклигини таъкидлади. Улар, энг аввало, ахлоқ нормаларига асосланиши, меҳнатсеварлик, берилган буйруқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида бажариши, хушмуомалалик, топшириқларни чуқур мулоҳаза билан амалга ошириши, энг асосийси, фуқароларни тинглай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ишлаб чиқилган одоб-ахлоқ намунавий қоидалари бу борада муҳим дастуруламал бўлиши керак.

Конференцияда давлат хизматчилари орасида коррупцияни келтириб чиқарадиган омилларга тўхталиб ўтилди. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат хизматчилари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида халқдан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. Коррупция – илдизлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос психологиясига бориб тақалади. Бу коррупцияга қарши аввало маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўрилиши зарурлигидан дарак беради.

Молия вазирлиги, Бош прокуратура, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этган конференцияда давлат хизматчисининг хизмат мажбуриятлари бажарилиши самарадорлиги мезонлари юзасидан фикр алмашилди.

Давлат органларида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларининг самарали бажарилиши ва одоб-ахлоқ комиссиясининг фаолияти: халқаро ва миллий тажриба, давлат хизматчисининг ўзига хос хусусиятлари, мақсади ва вазифалари, кадрлар сиёсати, хизмат вазифаларининг бажарилишини баҳолаш тизими ва стандартлари мавзуларида маърузалар тингланди.

Конференцияда кўрилган масалалар юзасидан таклиф ва тафсиялар ишлаб чиқилди. Бу ҳужжат жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

**Г.САТТОРОВА**

# ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш масалалари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

Анжуманда илмий маъруза ва тезислар билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, вазирликлар, халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамда турли идоралар вакиллари, молия-кредит ташкилотларининг етакчи мутахассислари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва илмий-тадқиқот институтлари илмий ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида юртимизда кўплаб ижобий ўзгаришлар амалга оширилди, сезиларли иқтисодий силжишлар рўй берди. Рақамлар билан айтилса, 2017 йилда инвестициялар миқдори 2016 йилга нисбатан 1,4 бароборга ошди ва 2,4 миллиард долларлик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигида пахта экин майдонлари 49 минг, ғалла майдонлари 10 минг гектарга қисқартирилди ва ўрнига турли озуқабоп экинлар экилди. Хорижий давлатлар билан иқтисодий битимлар натижасида инвестициялар жалб қилиниши ортди. Юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар турли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилди.

Анжуманда икки секция фаолият кўрсатди. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг муҳим йўналишлари, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида инновацион менежментнинг ўрни масалалари бўйича фикр алмашилди.

"Ўзбекистонда инновацион ривожланишни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар: муаммолар ва ечимлар", "Давлат бюджети даромадини оширишнинг самарали йўллари", "Ўзбекистон Республикасида валюта сиёсатини либераллаштириш" каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди. Халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакилларининг турли мавзулардаги фикрлари эса соҳага оид хориж тажрибасини ўрганишда муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, анжуманда Малайзия миллий университетидан халқаро эксперт, мамлакат ҳудудларидаги иқтисодий соҳа вакиллари билан интернет орқали мулоқот ўрнатилди.

**И.АҲАТОВА**



Фармон ва ижро

# ШАФФОФЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

***Жорий йилнинг 20 апрелида Президентимизнинг "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.***

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида қўмита томонидан қилинаётган ишлар, фармон билан соҳага киритилган ўзгартиришлар ҳақида журналистларга маълумот берилди.

Ўтказилган ялпи хатлов натижаларига кўра, республика ҳудудида 5 911 018 та уй-жой мавжудлиги аниқланган. Давергеодезкадастр қўмитаси ҳудудий идоралари томонидан хатлов давомида аниқланган 15 йилдан ортиқ фойдаланиб келинаётган турар жой объектларига оид 1 107 733 та материал туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги комиссиялар томонидан ўрганилди. 695 738 тасига ҳокимларнинг тегишли қарорлари асосида мулк ҳуқуқлари эътироф этилган. Қолганларида мазкур тоифадаги турар жой объектларининг ер участкасига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан тегишли қарор қабул қилинмаган.

Бу ҳолат мулкни тасарруф этиш масаласида ушбу уй жой эгалари ҳуқуқларининг чекланишига олиб келмоқда. Яъни тасдиқловчи ҳужжати мавжуд бўлмаган уй-жойга нисбатан кадастр ҳужжатини тайёрлашнинг имкони йўқ. Бунинг оқибатида фуқаролар ўз уй-жойларини сотиш, ҳадя қилиш, мерос олиш ва прописка масалаларида ҳам қийинчиликларга дуч келади.

Фармонга мувофиқ, мазкур ҳужжат қабул қилинган вақтга қадар ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан белгиланган шартлар асосида мулк ҳуқуқи эътироф этиладиган бўлди.

Ушбу фармон нафақат фуқароларга, балки туман, шаҳар ҳокимликлари ва бошқа давлат органларига ҳам мулк ҳуқуқини расмийлаштириш борасида енгиллик яратди.

Фуқаролар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ер участкаларини олиш борасида бир қатор қийинчиликларга дуч келаётган эди. Боиси амалдаги тартибга мувофиқ, ер ажратиш соҳасида бир қатор бюрократик ва ноаниқ жараёнлар мавжуд.

Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги "Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ер ажратиш жараёнига жиддий ўзгаришлар киритилди.

Анжуманда бу борадаги янгиликлар ва фуқаролар учун яратилган қулайликлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

– Бу ҳужжат билан 2018 йил 1 июлдан юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш электрон аукцион орқали амалга ошириладиган бўлди, – дейди Давергеодезкадастр қўмитаси бўлим бошлиғи Айсулу Айдарова. – Ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, кўриб чиқиш, ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш фақат замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда амалга оширилади. Бундан ташқари, аҳоли пунктлари режаларидан очиқ график қисми ҳокимликлар веб-сайтларида эълон қилинади. Қарор бюрократик тўсиқларни йўқотишга ҳамда ушбу йўналишда шаффофликни таъминлашга хизмат қилади. Электрон тарзда ўтказиладиган аукционда инсон омилининг камайиши орқали барча тадбиркорлик субъектларига тенг имкониятлар яратилади.

Матбуот анжуманида Давергеодезкадастр қўмитаси томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга соҳа вакиллари жавоб қайтарди.

**(ЎзА)**

# МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

***Тошкентдаги халқаро Вестминстер университетида миллий статистика тизимидаги ислоҳотлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Давлат статистика қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда мутасадди ташкилотлар, кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар маркази вакиллари, илмий тадқиқотчилар, ёш олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 31 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори соҳа фаолиятини янги босқичга кўтариш, статистик ахборотларни йиғиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда уларни интернет тармоғи, оммавий ахборот воситалари ва маҳаллий телеканаллар орқали кенг тарқатишни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Давлат статистика қўмитасида комплекс чора-тадбирлар дастури назорат режаси ва вазифаларнинг ҳар бир банди ижроси бўйича ҳаракат режалари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, статистик ахборотларнинг эркинлиги, ошкоралигини таъминлаш, мамлакатимизнинг ривожланиш кўрсаткичларини халқаро статистик тўпламларда чоп этиш ҳамда турли йўналишдаги рейтингларда акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб, халқаро статистик ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтингларда холис ва тўғри баҳоланишини таъминлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси томонидан халқаро ташкилотларнинг 23 саволномаси доимий равишда тўлдириб келинаётгани қайд этиб ўтилди. Ҳозирда қўмита Европа иқтисодий комиссияси, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатиб, статистика соҳасида самарали ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

Тадбирда мутахассисларнинг маърузалари тингланди, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Г.БОБОЕВА**

# 600 ГА ЯҚИН ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ КИРИТИЛДИ

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг бугунги ҳолати, уларни ривожлантириш истиқболларига бағишланган амалий мулоқот ўтказилди.***

Таъкидлаш керакки, партия ташаббуси билан жорий йилнинг февраль-апрель ойларида 170 туман ва 30 та шаҳардаги якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти ўрганилди. Ўрганиш жараёнида якка тартибдаги тадбиркорликка оид амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир 15 дан ортиқ масала муҳокама этилди. Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, ҳудудларда фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар сонини аниқлашга ва ишламаётган ёки маълум сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган тадбиркорлар муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатга олиш, уларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар юзасидан тўлов қобилиятини ошириш, кредит ажратишда халқаро тажрибага асосан таъминотнинг муқобил шаклларини қўллаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Ўрганилган масалалар юзасидан тадбиркорларнинг манфаатини ҳимоя қилиб, ваколатли идораларга 600 га яқин депутатлик сўрови киритилди.

Тадбирда ҳунармандлик фаолиятини ривожлантириш, ҳунармандлик субъектларига тўғридан-тўғри валюта тушумларини кўпайтириш, ҳунармандлик зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар муҳокама этилди.

**(ЎзА)**

***Маҳалла жамият тараққиёти ва фаровонлиги йўлида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда қулай майдон бўлиб хизмат қилади. "Тошкент шаҳри "Баҳор" ва "Ҳумоюн" маҳалла фуқаролар йиғинларида кўмакка муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратишга кўмаклашиш" лойиҳаси ижросига бағишланган давра суҳбатида бу алоҳида таъкидланди.***

# ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Тадбирда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритаётган давлат ва халқаро ташкилотлар, жамғармалар, "SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмаси, фуқаролик жамияти институтлари ва пойтахтимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этди.

"SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмаси томонидан Германиянинг Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлиги (BMZ) молиявий кўмагида амалга оширилаётган лойиҳа мутахассислари бу борада эришилган натижалар ҳақида маълумот берди.

Лойиҳа раҳбари Ш.Юсуповнинг маълум қилишича, "Баҳор" ва Ҳумоюн маҳаллалари пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги барча маҳаллаларнинг асосий кўрсаткичлари ўрганиб чиқилганидан сўнг танлаб олинган. Лойиҳани амалга ошириш ишлари 2014 йилнинг ноябрь ойида бир нечта муҳим йўналишлар бўйича бошлаб юборилди.

Маҳаллаларда қийин аҳволга тушиб қолган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида ўзаро ёрдам бериш механизмини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, ота-оналарнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш ҳамда болалар ва ўсмирларга малакали руҳий ёрдам кўрсатиш – лойиҳанинг асосий вазифаларидир.

Лойиҳа доирасида маҳаллаларда 2 ижтимоий марказ ташкил этилиб, бу ерда ҳар ой 15 нафаргача болалар ва ўсмирларга ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Марказда малакали психолог ва педагоглар ҳаётда мураккаб аҳволга тушган болаларга йўл кўрсатади, тегишли маслаҳатлар беради ҳамда уларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашади.

Лойиҳада ҳозиргача 300 дан ортиқ оилалар, 780 нафар болалар ва ўсмирлар иштирок этди. Маълум касб-ҳунарга эга бўлмаган, ишсиз юрган аҳолига ёрдам кўрсатиш мақсадида "Баҳор" маҳалласида қандолатчилик цехи ва "Гўзаллик салони" очилди. Бу ерда улар бепул курсларда ўқиб, иш тажрибасига эга бўлади. Бундан ташқари, лойиҳа қатнашчиларига вақтинчалик фойдаланиши учун турли хил асбоб-ускуналар тақдим этилди. Бунинг самарасида улар касбий фаолиятини амалга ошириш имконига эга бўлдилар.

– Маҳалламизда олти мингдан зиёд аҳоли ва уч мингдан ортиқ оила истиқомат қилади, уларнинг айримлари ижтимоий ҳимояга муҳтож, – дейди "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ф.Пўлатов. – Ана шундай инсонлар учун маҳалламизда ижтимоий марказ ва иккита корхона ташкил этилди. Бу борада болалар ва ўсмирлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари мазкур лойиҳани янада такомиллаштиришга доир фикр ва таклифларини билдирди.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

# ТОШКЕНТДА ЯНА 300 НАФАР ФУҚАРО ИШЛИ БЎЛДИ

***Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

2018 йилнинг айнан Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб номланиши ҳам бу эзгу ишларнинг янада жадаллашишига кенг йўл очди.

"Binket Group" қўшма корхонасининг ишга туширилиши ҳам юртимиздаги тадбиркорлик имкониятларининг кенгайиб бораётганига ёрқин мисолдир.

Замонавий эшиклар ва мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхонага 2016 йил асос солинган. Тошкент шаҳрининг Сергели туманида 8 гектар майдонни ўз ичига олган фабрика энг замонавий Италия технологияси асосида ички ва ташқи бозорга ўз маҳсулотларини етказиб беради. Корхона маҳсулотлари Европа андозаларига жавоб бериши, экологик тозалиги ва инсон саломатлигига безарарлиги билан ажралиб туради.

Ушбу қўшма корхонанинг очилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, хорижлик меҳмонлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Binket Group" қўшма корхонаси бош директори Рустам Маннонов, корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Вячеслав Шуваев ва "SCM Group" компаниясининг МДҲ, Шарқий Европа, Ўрта ер денгизи, Болтиқ ва Африка мамлакатлари бўйича ҳудудий менежери Паоло Ломбардини сўзга чиқиб, янги иш бошлаган қўшма корхона мамлакатимизда барча соҳалар каби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижаси эканини таъкидлади.

Корхона ишга туширилгач, 300 нафар маҳаллий фуқаро иш билан таъминланди. Улар иш жараёни бўйича махсус ўқувдан ўтказилиб, хориждан келтирилган технологиялар асосида миллий ва замонавийлик мужассам этган бир-биридан чиройли ва харидорбоп эшиклар ишлаб чиқара бошлади.

– Ишимиз ўзига яраша қизиқарли ва масъулиятлидир, – деди корхона ишчиси Илҳом Тешабоев. – Аввал маҳсулот хомашёсига ишлов бериш жараёнини пухта ўрганиб олдим. Бунинг учун корхона маъмурияти ва хорижлик мутахассислардан жуда миннатдорман. Янги технологиялар билан ишлашга қўлим анча келиб қолди. Мақсадимиз арзон, сифатли ва харидоргир маҳсулотлар билан нафақат юртимиз, балки қўшни мамлакатлар бозорини эгаллашдир.

Корхона жамоаси мебель ишлаб чиқариш бўйича Германиянинг "HOMAG Group" компанияси билан ҳамкорлик қилмоқда.

Тадбир доирасида иштирокчилар корхонадаги иш жараёни билан таништирилди.

**(ЎзА)**

Фестиваллар

# ШАРҚ АТИРГУЛИ

***Республикамизда маданият ва санъат соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар негизида халқимиз маънавиятини юксалтириш, аҳолининг маданий дам олишини кўнгилли таъминлаш, санъатимизни юксак даражага олиб чиқиш, ёшларимизнинг санъатга бўлган қизиқиши ва меҳрини кучайтириш, иқтидорини шакллантириш, мавжуд хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш кабилар мужассамдир.***

Зеро, маданияти ва санъати юксак бўлган халқнинг келажаги янада ёрқин ва нурли бўлади.

Пойтахтимизда 2-6 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тасарруфидаги "Шарқ атиргули" болалар ижод уйи томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида илк маротаба халқаро миқёсдаги "Шарқ атиргули" болалар ва ёшлар фестивали бўлиб ўтмоқда.

Шу муносабат билан тадбир олдидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Сўзга чиққанлар маданият ва санъатимизни халқаро майдонда кенг тарғиб этиш, кўрик-танлов ва фестивалларда мамлакатимиз иштирокини кучайтириш, ёшларни театр ва музейларга, концерт-томоша тадбирларига тизимли равишда жалб этиш ва шу орқали уларнинг маънавий-ахлоқий, эстетик ва маданий даражасини янада юксалтиришга катта эътибор қаратилаётганини айтиб ўтдилар. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 30 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Вокал ва рақс йўналишида ташкил этилаётган ушбу танловда 4 ёшдан 18 ёшгача ва 18 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёшлар ўз иқтидорларини намоён этади.

Тадбирда бир қанча Халқаро фестиваллар совриндорлари, профессионал ижрочилар билан бир қаторда ёш, эндигина санъат оламига қадам қўяётган ҳаваскорлар ҳам иштирок этади.

Эътиборлиси, ушбу тадбирда Россия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Тожикистон каби бир қатор давлатлардан ҳам иштирокчилар қатнашади.

Дарҳақиқат, илк бора ўтказилаётган бу фестиваль иқтидорли ёш юлдузларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва қобилиятини янада шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фестиваль иштирокчиларини турли мамлакатлардан ташриф буюрган ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боради. Жумладан Ўзбекистон халқ артисти Рушана Султонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Кумуш Раззоқова, Козим Қаюмов, Омина Бобожонова каби элимиз ардоғидаги санъаткорлар ҳам фестивалнинг ҳар томонлама юксак савияда ўтишига бирдек масъул бўладилар.

Фестиваль доирасида иштирокчиларнинг юртимизнинг диққатга сазовор тарихий шаҳарларига саёҳати ҳам режалаштирилган.

**Гулнигор САТТОРОВА**

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

# ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР ЁДИ

***Юртимизда кексалар ва нуронийларга қаратилаётган эътибор ҳар қачонгидан ҳам яхшиланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Чунки ҳаётимизнинг чироғи бўлмиш ёши улуғ ва табаррук кексаларни ҳар қанча ҳурматласак ва эъзозласак ҳам кам.***

Элимизда инсон билан биргаликда унинг хотирасига ҳам катта эҳтиром билан ёндошилади. Яқинлашиб келаётган 9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда кенг нишонланиши анъанага айланди. Ушбу байрам шарофати билан кекса отахону онахонларимиз моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Куни кеча пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Қуролли Кучлар фахрийси, истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, соғлиқни сақлаш аълочиси, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси, Турон Фанлар академиясининг академиги, шоир Искандар Раҳмоннинг "Оловли йиллар ёди" номли хотиралар китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбир "Инсон қадри улуғ, хотира муқаддас" шиори остида ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Фахрийлар ташкилоти аъзолари, Қуролли Кучлар таркибида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчилар ва курсантлар, жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Рустам Калонов очиб, Президентимизнинг "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг нечоғли муҳимлиги, унда белгиланган дастурнинг бажарилишида "Нуроний" жамғармаси фаолларининг иштироки хусусида тўхталиб ўтди. Шунингдек, у янги ёдноманинг байрам арафасида чоп этилишида ҳам чуқур рамзий маъно борлиги, бу нашр бугунги кунда тобора сони камайиб бораётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун ҳам муносиб тухфа бўлганини айтиб ўтди.

Тақдимотда сиёсий шарҳловчи Қ.Каримбеков, олимлардан Б.Умрзоқов, А.Усмонхўжаев, Х.Мирзажонова, М.Муҳиддинова, Т.Муродов, Р.Султонов ва бошқалар сўзга чиқиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида мардлик, жасорат намуналарини кўрсатган турли касб эгалари бўлган юртдошларимиз ҳақида ибратли ҳаётий мисоллар асосида ҳикоя қилинган мазкур ёднома ёшларни ҳарбий ватанпарварлик, бурчга садоқат руҳида тарбиялашда катта ҳисса қўшади, деган фикрни билдирдилар.

Тадбир ниҳоясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, подполковник Марат Ҳакимов шоир ёзган қўшиқлардан ижро этиб, йиғилганларни хушнуд этди.

**Нигора ЮСУПОВА,**
**Олмазор тиббиёт коллежи ўқитувчиси**

# ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ОШИРИЛМОҚДА

***Жорий йил 18 апрелда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.***

Мазкур ҳужжат билан миллий қонунчилигимиз, айниқса, фуқаролар ҳаётига дахлдор бўлган кўплаб масалалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди. Шундан келиб чиқиб, ушбу қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳолига, кенг жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз борди.

Анжуманда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳақида батафсил маълумот берилди. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 51 қонунига, 9 кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

– Яқин қариндошлари судланган, деб ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинланмаслик билан боғлиқ номаъқул ёндашув туфайли кўплаб фуқаролар, айниқса, малакали мутахассислар жабр тортиб келар эди, – дейди Адлия вазирлигининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бошқармаси бошлиғи Шерзод Рабиев. – Айни шу масала бўйича Адлия вазирлигига фуқаролардан кўплаб мурожаатлар келиб тушарди. Фуқароларнинг ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилиш мақсадида вазирлик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш киритилди. Киритилган ўзгартишларга мувофиқ, эндиликда юқоридаги важлар билан ишга қабул қилмаслик тақиқланади. Бу янги норма давлат хизматига садоқатли, ташаббускор кадрларни жалб этишга, меҳнат қилиш ҳамда ишни эркин танлаш ҳуқуқи кафолатлари кучайтирилишига хизмат қилади.

Маълумотларга кўра, 2015-2016 йиллар ва 2017 йилнинг биринчи чорагида судлар томонидан жами 505 нафар шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган. Ушбу қонун билан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига ўзгартишлар киритилди. Унга кўра, жазо тайинлашда ушлаб туриш ва уй қамоғи муддатларини ҳисобга олишни назарда тутувчи мезонлар белгиланди.

Анжуманда Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартишлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. Шунингдек, "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида ҳам сўз борди. Қонунга янги модда сифатида журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари киритилди.

Тадбирда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунда назарда тутилган янгиликлар бўйича оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари ҳамда ОАВ вакилларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборотни олишга доир сўров шакллари, уни кўриб чиқиш муддатлари ҳақида тушунтиришлар берилди.

**(ЎзА)**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2796-сонли Қарорига мувофиқ, аввал хусусийлаштирилган ва бугунги кунда фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва бўш турган объектларнинг фаолиятини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш механизми тасдиқланган.

Қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хатловдан ўтказиш ҳамда аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар Идоралараро комиссиянинг 30.04.2018 йилдаги 18-сонли йиғилиш баённомаси билан қуйидаги корхоналар Тошкент шаҳридаги аввал хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган ва фойдаланилмаётган объектлар рўйхатига киритилди.

**Тошкент шаҳридаги аввал хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари рўйхатига киритилаётган объектлар РЎЙХАТИ**

| № | Объект номи | Жойлашган манзили | Бўш турган ер майдони (кв.м.) | Бўш турган бино майдони (кв.м.) | Мулкдор номи |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | тикув фабрикаси | Мирзо Улуғбек тумани, Кайнарсой кўчаси | 24568 | 9452 | "ERKTUR KURILISH" ХК |
| 2 | завод | Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 58-уй | 4569 | 540 | "TRIUMPH ORIENTIR" МЧЖ |
| 3 | ойна ва мебель ишлаб чиқариш фабрикаси | Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 298-уй | 5344 | 4233 | Жисмоний шахс Мирзаев Пайзуллажон Рахматуллаевич |
| 4 | маъмурий бино | Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув бўйи кўчаси, 5-уй | - | 1720 | "TOSHSHAHARTRANSEKSPEDITSIYA" МЧЖ |
| 5 | завод | МирзоУлуғбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 58-уй | 1538 | 2548 | Жисмоний шахс Билалов Шерзод Бахрамович |
| 6 | офис | Мирзо Улуғбек тумани, Равнақ кўчаси, 1а-уй | - | 1500 | Жисмоний шахс Тиркашев Илхом Усанович |
| 7 | ишлаб чиқариш | Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй | 3961 | 7198 | "УзКЕЙС ТРАКТОР" МЧЖ ҚК |
| 8 | офис | Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 1-уй | 1120 | 2460 | "PROMADIK INVEST" МЧЖ ҚК |
| 9 | савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш мажмуаси | Миробод тумани, Сарикўл 2-тор кўчаси, 2-уй | 1998 | 1615 | "SUNLIGHT DREAM" МЧЖ |
| 10 | дўкон | Миробод тумани, Фарғона йўли 2-тор кўчаси, 97-уй | 1927 | 1013 | "PREMIUM SOLUTIONS SYSTEMS" МЧЖ |
| 11 | цех | Миробод тумани, Фарғона йўли 4-тор кўчаси, 8-уй | 2077 | 1083 | "ABDULXAY XIDOYAT" МЧЖ |
| 12 | савдо-маиший комплекси | Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 21-уй | 4411 | 11041 | "NEW LIFE INSURANCE" МЧЖ |
| 13 | база | Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 27-уй | - | 1285 | "TOSHKENT MEXANIKA ZAVODI" АЖ |
| 14 | ишлаб чиқариш | Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 410-уй | - | 2880 | "TOSHKENT REZINA" МЧЖ |
| 15 | профилакторий бинолари | Сергели тумани, Чорток кўчаси | 3350 | 2589 | "LIDER TRADE GROUP" МЧЖ |
| 16 | завод ҳудуди | Сергели тумани, Нилуфар 3-тор кўчаси, 2-уй | - | 5975 | "BARQAROR USTUN" МЧЖ |
| 17 | база | Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 215-уй | - | 2590 | "SARATON-PLAST" ХК |
| 18 | бетон ишлаб чиқариш базаси | Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди | 303 | 303 | "ASR YO'L QURILISH" МЧЖ |
| 19 | савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | Учтепа тумани, Бешқайрағоч кўчаси, 128а-уй | 2103 | 4449 | "MANSTERA HAUSE" МЧЖ |
| 20 | дори-дармон и/ч мажмуаси, дорихона, божхона омбори ва павильон, омборлар бино-иншоотлари | Учтепа тумани, Бешқайрағоч кўчаси, 237а-уй ва Ибрат кўчаси, 1-уй | 9445 | 12387 | Жисмоний шахс Ташмухамедов Равшан Иркинович |
| 21 | савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | Учтепа тумани, Катта Хирмонтепа кўчаси, 39-уй ёнида | 400 | 1266 | "ҲАМКОРБАНК" АКБ |
| 22 | савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчаси, ишлаб чиқариш ва омборхона бинолари | Учтепа тумани, Маннон Уйғур кўчаси | 1226 | 1427 | "ALI-ABBOS-SAVDO" МЧЖ |
| 23 | идора ва савдо дўкони бинолари | Учтепа тумани, 21-мавзе, Катта Хирмонтепа кўчаси, 1-уй | 2708 | 1353 | "AKMAL IKROM SAVDO" МЧЖ |
| 24 | савдо дўкони | Учтепа тумани, Якдил кўчаси, 1-уй | 1219 | 842 | "B QODIR" МЧЖ |
| 25 | маъмурий бино | Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 14-уй | - | 2000 | "2-Tajriba sinov-mexanika zavodi" АЖ ҚК |
| 26 | бино | Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 14-уй | қурилиши тугалланмаган | | "EAST-WEST INVEST" МЧЖ ҚК |
| 27 | тиббий хизмат кўрсатиш | Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта Қаъни кўчаси, 18-уй | - | 2420 | "SAXOVATBU" МЧЖ |
| 28 | омборхона | Чилонзор тумани, Наққошлик кўчаси | - | 1792 | "SOVPLASTITAL" МЧЖ |
| 29 | ишлаб чиқариш | Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 122а-уй | 16150 | 4849 | "SOVPLASTITAL" МЧЖ |
| 30 | ишлаб чиқариш | Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 122а-уй | 16150 | 1346 | "ALMECO" МЧЖ |
| 31 | офис | Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 99-уй | 732 | 1899 | "UZBEGIM INTERNATIONAL Co LTD" ҚК |
| 32 | ишлаб чиқариш | Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 4-уй | - | 1100 | "KOMPRADOR" МЧЖ ҚК |
| 33 | умумий овқатланиш | Чилонзор тумани, 3-мавзе, 55б-уй | 2055 | 1691 | "SAWA TRAVEL" МЧЖ |
| 34 | дўкон | Чилонзор тумани, 16-мавзе, Қатортол кўчаси, 4-уй | 1128 | 1007 | "SHUXRAT" МЧЖ |
| 35 | бошқарув аппарати биноси | Чилонзор тумани, 6-мавзе | - | 1300 | "LIFTMONTAJSOZLASH" МЧЖ |
| 36 | база | Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 50-уй | 5080 | 2416 | "O'ZYOG'OCHQOG'OZSAVDO" АЖ |
| 37 | компрессор станцияси биноси | Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси, 100а-уй | 8200 | 2273 | "SOFT OSIYO PRICE" МЧЖ |
| 38 | маъмурий бино | Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй | 4659 | 420 | Жисмоний шахс Красношёков Евгений Александрович |
| 39 | маъмурий бино ва омборхона | Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй | 4659 | 420 | "MIRFAR" МЧЖ |
| 40 | савдо-маиший комплекси | Чилонзор тумани, 16-мавзе | қурилиши тугалланмаган | | "KOMPRADOR" МЧЖ ҚК |
| 41 | ишлаб чиқариш | Шайхонтоҳур тумани, Хумдонсой кўчаси, 7-уй | - | 3800 | "OQ-TEPA-TIMSOL" МЧЖ |
| 42 | дўкон | Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси | 1314 | 1851 | Жисмоний шахс Мирпулатов Зафар Миртолиш ўғли |
| 43 | омборхона | Юнусобод тумани, 17-мавзе | 12233 | 5083 | "TOSHKENT" МЧЖ |
| 44 | маъмурий ва маиший хизмат бинолари | Юнусобод тумани, Юқори Қорақамиш кўчаси, 2-уй | - | 3882 | "ZENIT" МЧЖ |
| 45 | ишлаб чиқариш бинолари | Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 12-уй | 3781 | 8456 | "GLOTEX BIZNES" МЧЖ |
| 46 | кинотеатр биноси | Яккасарой тумани, Кушбеги кўчаси, 1-уй | 2150 | 834 | "INVEST FINANCE BANK" АТБ |
| 47 | маъмурий бино | Яшнобод тумани, Алимкент 1-тор кўчаси, 16-уй | 769 | 367 | "TOSHKENT MEXANIKA ZAVODI" АЖ |
| 48 | база ҳудуди | Яшнобод тумани, Фарғона йўли 7-берк кўчаси | 51 | 51 | "VERITY CAPITAL" МЧЖ |

Объект мулкдорлари томонидан фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларида янги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини ташкил этиш, шунингдек, янги иш жойларини яратиш бўйича **6 ойлик муддатга** мўлжалланган инвестиция лойиҳани **10 кунлик муддатда** ишлаб чиқиб, Тошкент шаҳар Идоралараро комиссия ишчи органи – Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига тақдим этилиши лозим.

Тошкент шаҳар Идоралараро комиссиясининг тегишли хулосаларига асосан қуйидаги объект мулкдорлари томонидан белгиланган муддатларда инвестицион лойиҳалар амалга оширилмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги ПҚ-2796-сонли қарорида белгиланган таъсирчан солиқ чоралари қўлланилди.

**Идоралараро комиссиянинг хулосаларига кўра умумбелгиланган солиқ турига ўтказилган ва ер-мулк солиғи икки карра оширилган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Т/Р | Мулк эгаси | Объект жойлашган манзили | Бўш бино-иншоотлар тўғрисида маълумот | | Ҳолати | Идоралараро комиссиянинг хулоса санаси ва рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ер майдони (га) | Бино-иншоот майдони (кв.м.) | | |
| 1 | "PAXTAMASH QUYMA" МЧЖ | Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 4-тор кўчаси, 92-уй | 16694 | 8082 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1101 |
| 2 | "Mufar-Qurilish-Savdo" МЧЖ | Сергели тумани, Дарё бўйи кўчаси, Жанубий саноат ҳудуди | | 3000 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1118 |
| 3 | "AVTOSANOAT OIL" МЧЖ | Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 61-уй | 25000 | 3410 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1112 |
| 4 | "O'ZAVTOSANOAT" АК | Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 61-уй | 24157 | 2750 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1097 |
| 5 | "TOSHKENT YOG'-MOY KOMBINATI" АЖ | Яшнобод тумани, Мумтоз кўчаси, 5-уй | 1832 | 1158 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1096 |
| 6 | Алматов Даврон Закирджанович | Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-1, 22-уй | 2631 | 2000 | қурилиши тугалланмаган | 30.04.2018 й. № 04-1115 |
| 7 | "ENIGMA INVEST" МЧЖ | Олмазор тумани, Қорақамиш 2/4 даҳаси, 3-уй (Юнусова) | | 1200 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1116 |
| 8 | "O'ztemiryo'lkonteyner" АЖ | Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 2а-уй | 1738 | 1202 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1102 |
| 9 | "GARZAI UZAF JV" МЧЖ | Чилонзор тумани, Зарқанд 1-берк кўчаси | 2278 | 1178 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1106 |
| 10 | Айзенберг Я.Ю. | Чилонзор тумани, Чилонзор 3-мавзе, 53-уй | 2094 | 1826 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1105 |
| 11 | "O'ZKOMMUNISSIQLIK TA'MIR" МЧЖ | Юнусобод тумани, 17-мавзе, 18-уй | 17498 | 8255 | бўш турган | 30.04.2018 й. №04-1098 |
| 12 | "STS-VOSTOK" МЧЖ ҚК | Юнусобод тумани, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 1-уй | 2860 | 1860 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1113 |
| 13 | "JSK GROUP EXPO" ШК | Яшнобод тумани, Уйсозлар кўчаси, 29-уй | - | 4890 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1104 |
| 14 | "DEVELOPMENT INVEST KONSALT" МЧЖ ХК | Бектемир тумани, Оҳангарон шоҳ кўчаси | 2417 | 2820 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1114 |
| 15 | "UPM SERVICE" МЧЖ ХК | Юнусобод тумани, Кичик Ҳалқа йўли, 9а-уй | 11295 | 9877 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1103 |
| 16 | "BEKOLE-BIZNES" МЧЖ | Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 7-уй | 3933 | 1752 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1110 |
| 17 | "SUVMASH" АЖ | Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 13-уй | | 7779 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1095 |
| 18 | "BIOTUBE" МЧЖ | Олмазор тумани, Байроқтол кўчаси | 3392 | 3221 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1109 |
| 19 | "TROPIKANKA"МЧЖ | Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси | 350 | 350 | қурилиши тугалланмаган | 30.04.2018 й. № 04-1100 |
| 20 | "REAL MAG SERVIS" МЧЖ | Юнусобод тумани, 12-квартал, А.Темур кўчаси | 1428 | 210 | қурилиши тугалланмаган | 30.04.2018 й. № 04-1099 |
| 21 | "POD'EMNIK" АЖ | Яшнобод тумани, Уйсозлар кўчаси, 45-уй | 79887 | 25122 | бўш турган | 30.04.2018 й. №04-1108 |
| 22 | "CRYSTAL GLASS GROUP" МЧЖ ҚК | Яшнобод тумани, Уйсозлар кўчаси, 45-уй | 25374 | 5788 | бўш турган | 30.04.2018 й. № 04-1107 |





***Маданият ва истироҳат боғлари халқимизнинг маданий дам олишини таъминлайдиган, инсонларнинг маънавиятини юксалтирадиган, руҳиятига енгиллик, қалбига ором, вужудига тетиклик ва роҳат бағишлайдиган гўша, болажонларнинг энг севимли маскани ҳисобланади. Айни кунларда пойтахтимиздаги барча боғлар одамлар билан гавжум, айниқса дам олиш кунларини мароқли ва мазмунли ўтказиш учун ташриф буюрувчиларнинг сони кўпаймоқда.***

Маданият

# БОҒЛАР – ВАҚТИНГИЗНИ ЧОҒЛАР

Шаҳримизнинг энг сўлим ва файзли боғларидан бири саналмиш Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрар эканмиз бунга яна бир бор амин бўлдик. Кўм-кўк мавжланиб оқаётган кўлда жуфт кабутарлардек бир-бирига ярашиб турган ёшларнинг қайиқларда сузаётганларини кузатар эканмиз ёшликнинг олтин даврини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмаслигини яна бир бор ҳис қиламиз.

Бир-бирига меҳру муҳаббат билан боқиб турган нуроний отахон ва онахонларнинг невcovalари қуршовида масрур юришларини, атрофга шукроналик билан боқаётган нигоҳларини кузатиб, кўзлари қувончдан порлаб турган жажжи болажонларнинг шод-хуррамлигини кўриб бизнинг ҳам кайфиятимиз кўтарилди.

– Бу боғ энг кўҳна боғлардан ҳисобланади, – дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи директори Сардор Султонов биз билан бўлган суҳбатда. – Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида жуда гўзал ва мафтункор боғлар барпо этилмоқда. Халқимизнинг маданий дам олишида, болажонларнинг мириқиб яйрашида, умуман инсонларнинг кўнгилларини чароғон этишда, уларга завқ-шавқ билан бирга кўтаринки кайфият бағишлашда маданият ва истироҳат боғларининг ўз ўрни бор. Зеро, инсонларнинг кўнгил хотиржамлигини мустаҳкамлашда, вужудининг руҳий озуқа олишида, онг ва тафаккурининг теранлашувида ва яхши кайфиятда юришида хушманзара боғларда ҳордиқ чиқариш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг боғимиз ҳам ана шундай эзгу ишларга хизмат қиладиган муаззам ҳудуддир.

Дарҳақиқат, боғлардаги тоза ҳаво, тиниқ зилол сувлар, кўм-кўк осмон билан бўйлашган навқирон дарахтлар, атрофга ифор таратаётган гуллар, болажонларнинг қий-чувига монанд учаётган турли хил замонавий аттракционларнинг ҳаракатланишини мўъжизага қиёсласак ҳам арзийди, аслида.

Чунки бу ерда янграётган шўх наволар, ўтказилаётган турли концерт дастурлари, китобхонлик кечалари, ёзувчи, шоир ва олимлар даврасидаги ижодий учрашувлар халқимизнинг нафақат маданий дам олишини, балки ақлу заковатини чархлашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Маданият муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази, Тошкент шаҳар Маданият бошқармаси, Чилонзор туман ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирлар халқимизнинг маданий дам олишини таъминлашда, маънавий савиясини юксалтиришда, соғлиғини мустаҳкамлашда, келажак авлоднинг она Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб камолга етишида муҳим омил ҳисобланади.

Биз боғга саёҳатимиз асносида "Ўлан айтгали келдик", деб номланган фольклор санъат байрамини томоша қилишга ҳам муяссар бўлдик.

Тадбирда боғ қошида ташкил этилган "Дурдона", Т.Содиқов номидаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги "Нодирабегим", Олмазор туманидаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги "Ўзбекойим", Мирообод туманидаги 1-сонли "Бувижонлар" фольклор этнографик ансамблларининг чиқишлари томошабинларга бирдай манзур бўлди.

Халқаро ва Республика танловлари совриндорлари, ўланчи Турдали Пардаев ва қозоқ оқини Қулмихон Дуйсеновларнинг ижролари эса тадбирнинг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаб берди.

Айниқса, Оҳангарон туманидан ташриф буюрган Кимёхон Қосимхонова бошчилигидаги ўланчилар гуруҳи, Олмалиқ шаҳридаги "Навбаҳор" фольклор ансамбли, Жиззах шаҳридан ташриф буюрган ўланчи Сайёра Тўраева, Чилонзор туманидаги "Гавҳар" фольклор этнографик дастаси, Республика "Баркамол авлод" болалар техник ижодиёти маркази қошидаги болалар рақс жамоаси ва "Турон" спортчилар гуруҳи ҳамда "Ҳилола" намунали болалар жамоаларининг чиқишлари олқишларга сазовор бўлди.

Боғ ҳудудини кезар эканмиз, унинг мусаффо ҳавоси, қуёшда биллурдай товланиб ён-атрофга сочилиб тушаётган фавворaларнинг заррин томчилари дилимизга ҳузур бағишлайди.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи чиндан ҳам шаҳримизнинг кўркига кўрк қўшиб турган, обод, кўркам, гўзал ва хушҳаво маскандир. Бу ерда эрта баҳордан то кеч кузгача нафақат одамлар мириқиб дам олади, қушлар хониш айлайди, ҳар бир майса, гиёҳ ва дарахт япроқлари ўз тилларида қўшиқ айтиб, инсонларнинг қалбига қувонч бағишлайди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғидан лавҳалар**

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон давлат консерваториясида "Истеъдод" II халқаро танлови бўлиб ўтди. Унда юртимиз ёшлари билан бирга Россия, Туркия, Корея, Хитой, Эрон, Германия, Озарбайжон, Миср, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон каби давлатлардан иштирокчилар қатнашди.***

Мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

"Истеъдод" II танлови ҳам ўсиб келаётган ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш ва тенгдошлари билан тажриба алмашишига кўмак беришдан иборатдир.

Иштирокчиларни муносиб баҳолаб бориш учун нуфузли созанда ва хонандалар жалб қилинди.

Икки гуруҳ бўйича иштирокчилардан 20 нафари I даражали, 29 нафари II даражали, 48 нафари III даражали диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Хориждан ташриф буюрган иштирокчиларнинг 4 нафари I даражали, 7 нафари II даражали, 11 нафари III даражали диплом ва пул мукофотига сазовор бўлди.

Халқаро танлов доирасида хорижлик меҳмонлар учун Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

***Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги киносаройида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига асосан "Ҳужжатли фильмлар" ДУКда ишлаб чиқарилган "Комилжон Отаниёзов", "Киномусаввир" ва "Сайид Ризо Ализода" ҳужжатли фильмларининг премьераси бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА.***

# ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР ПРЕМЬЕРАСИ

Унда киношунослар, режиссёрлар, журналистлар ва томошабинлар иштирок этди.

Дастлаб "Комилжон Отаниёзов" ҳужжатли фильми намойиш этилди. Сценарий муаллифи С.Бегматов, режиссёр А.Мингнаровнинг ушбу фильми Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркманистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган.

"Киномусаввир" ҳужжатли фильми ўзбек киноси тарихида самарали ижод қилган кинорассомлар – В.Еремян, Э.Калонтаров, Н.Раҳимбоев, Б.Назаров, Р.Туманков, С.Зиёмуҳаммедов, В.Синченко ижоди ҳақида ҳикоя қилади. 13 дақиқа давом этган ҳужжатли фильм сценарий муаллифи З.Йўлдошева, режиссёр Ж.Пўлатовадир.

"Сайид Ризо Ализода" фильми 26 дақиқалик бўлиб, мазкур ҳужжатли фильм самарқандлик мутафаккир, қомусий билимлар соҳиби, 14 тилда равон гапира олган Сайид Ризо Ализода таваллудининг 130 йиллигига бағишланади. Фильмнинг сценарий муаллифи С.Умиров, режиссёр М.Одилов.

Фильмлар мутахассислар, томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

# ТЎГАРАКЛАР КЎРГАЗМАСИ

***Тошкент Фотосуратлар уйида Яккасарой тумани "Баркамол авлод" болалар маркази тўгарак раҳбарлари ва ўқувчиларининг бутунжаҳон ер куни муносабати билан "Ерни асранг!" номли кўргазмаси бўлиб ўтди.***

Кўргазмада марказнинг "Тасвирий санъат", "Майда пластика", "Мунчоқли безак", "Бошланғич техник моделлаштириш" тўгараклари томонидан 50 га яқин ижодий иш намойиш этилди.

Мўйқаламда ишланган "Анор ва аёл", "Соябон", "Куз" каби картиналар, табиат манзаралари, мунчоқли безаклар, мунчоқдан ясалган нафис гуллар, безакли дарахтлар, "Ер бўйлаб саёҳат", "Ер сайёраси" сингари пластик композициялар ўзининг бежирим ишланганлиги ва танланган рангларнинг мафтункорлиги билан эътиборни тортди.

Кўргазма сўнгида тўгарак қатнашчилари ижросида мусиқий чиқишлар ҳамда модалар намойиши ташкил этилди.

Иштирокчилар диплом, сертификат ва ташаккурномалар билан тақдирланди.

**(ЎзА)**

Футбол янгиликлари

# БИКМАЕВ ЭНГ КУЧЛИЛАР ГУРУҲИДА

***Ўтган йилги футбол мавсумида Тошкентнинг "Локомотив" клуби ҳужумчиси, миллий терма жамоамиз аъзоси Марат Бикмаев миллий чемпионатимизда 26 та гол уриб, тўпурар бўлган, Осиё чемпионлар лигаси турнирида эса рақиблар дарвозасига 5 та гол киритган эди.***

Марат Бикмаевнинг ўтган йилги муваффақияти бесамар кетмади. Қитъамиз футболини ёритиб борувчи FovtFovrTwo Asia нашри қитъамиздаги энг кучли 50 нафар чарм тўп устаси рўйхатини эълон қилди. Қувонарли жиҳати шундаки, 32 ёшли "Локомотив" жамоаси ҳужумчиси Марат Бикмаев ушбу рўйхатнинг 32-поғонасидан ўрин эгаллади.

# ЎЙИНЛАР ВАҚТИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛДИ

***Жорий йилнинг 4 май куни Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан 2019 йилда уюштириладиган Осиё кубогига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтади.***

Ушбу маросим "Спорт" телеканалида тўғридан-тўғри соат 20.10 дан бошлаб намойиш этилади. Шу сабабли ҳам Суперлиганинг 4, 5, 6 май кунлари ўтказиладиган 10-тур учрашувларининг бошланиш вақтига бироз ўзгартириш киритилди. 4 май куни ўтадиган "Бунёдкор" – "Насаф" ҳамда "Нефтчи" – "Локомотив" баҳслари бир вақтда – соат 18.00 да ўтиши режалаштирилди. Мухлислар "Бунёдкор" – "Насаф" беллашувини жонли эфирда тўғридан-тўғри томоша қилишса, худди шу пайтда бошланадиган "Нефтчи" – "Локомотив" ўйинини ёзиб олинган ҳолда, аниқроғи соат 21.25 дан бошлаб кузатишлари мумкин.

# ҲАМЮРТИМИЗ ОФК МАЖЛИСИДА ҚАТНАШДИ

***Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан навбатдаги мажлис ташкил этилди.***

ОФКнинг қитъамиздаги футбол ассоциациялари вакиллари ҳамкорлигида уюштирилган ушбу йиғилиш аккредитация тизимини янгилашга бағишланди. Аккредитация тизимини ривожлантириш, қитъа мамлакатларида мусобақалар тизимини яхшилаш, ОФК мамлакатлари мусобақалари учун ягона аккредитация тизимини жорий этиш масалаларига бағишланган йиғилишда ЎФА, ПФЛ матбуот хизмати вакили Шерзод Ражабов ҳам иштирок этди. Эътиборлиси, ҳамюртимиз футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳсларида аккредитация тизими қандай ишлаётгани ва аккредитациялаш масаласи бўйича ЎФА ҳамда ПФЛ томонидан амалга оширилаётган янги лойиҳа ва ислоҳотлар борасидаги маълумотлари йиғилганларда илиқ таассурот уйғотди. Шерзод Ражабов ОФК билан аккредитация масалаларида ЎФА ва ПФЛ доимо ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини таъкидлаб ўтди. Ўз навбатида ОФК вакиллари ҳам янги форматдаги Ўзбекистон Суперлигаси, кубоги мусобақалари аккредитациялаш тизимига юқори баҳо беришди, қолаверса, қитъа миқёсидаги бу каби семинар ва тадбирларни Ўзбекистонда ҳам ташкил этишга ваъда беришди.

# ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

***Жорий йилнинг август ойида Индонезияда Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.***

Қитъамиз миқёсидаги ушбу нуфузли турнирнинг футбол баҳсларида юртимиз шарафини Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоамиз ҳимоя қилади.

Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этишга аҳд қилган олимпиячиларимиз айни кунларда Индонезиянинг Жакарта шаҳрида бўлиб туришибди. Чунки бу ерда КХДР, Баҳрайн, Индонезия, Ўзбекистон олимпия терма жамоалари ўртасида футбол бўйича халқаро турнир ўтказилмоқда. Олимпиячиларимизга ушбу халқаро мусобақада омад ёр бўлсин, деб қоламиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 4.03.2016 йилда № 009140-11 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "MIRAZIZ-MIRSAID TRANS" МЧЖ (ИНН 303836000) таъсисчининг 1.05.2018 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яккасарой тумани, Самарқанд кўчаси, 5-уй, 7-хонадонда қабул қилинади. Тел: (93) 382-82-09.

**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **4 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 27-29 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **4 майда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 535

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10463 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345